

## Қишлоқ аёллари улуғланди

15 октябрь Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан Ўзбекистон тумани Сочтепа маҳалласида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Туман ИИБ бошлиғи раҳбарлигидаги З-сектор ишчи гуруҳи ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари ташаббуси билан ташкилланган тадбирга сектор худудидаги қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилувчи опа-сингиллар таклиф этилди.



Тадбирда бугун юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқаришдаги улушини ошириш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитини яратиш борасида амалга оширилаётган ~~ижобий ишлар ҳақида сўз бориб, қишлоқ аёллари улуғланди.~~



Ёзилган байрам дастурхони, санъаткорларнинг концерт дастури, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари, умуман муносиб эътибор ва эътирофдан қишлоқ аёллари мамнун бўлдилар.

2022-10-15 10:28:18